



**Дилноза Жамолова**

Ўзбекистон Фанлар академияси  
Тарих институти директорининг  
илемий ишлар бўйича ўринбосари, тарих  
фанлари доктори

E-email: [muyidinovna.83@gmail.com](mailto:muyidinovna.83@gmail.com)

## **АБДУЛЛА АВЛОНИЙ ВА ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИГИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15729486>

**Аннотация.** Ушбу мақола Туркистон жадидчилигининг йирик вакили Абдулла Авлоний ҳаётининг асосий босқичларини тадқиқ қилишга бағишиланган бўлиб, унинг мактабдорлик, матбуотчилик, хайрия жамиятлари тузиш, театрчилик ва сиёсий фаолияти ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, дарслик яратищдаги жонбозликлари, публицистик фаолияти, “Турон” кутубхонаси, “Турон” театр гурухи тузиш ишидаги иштироки очиқланган. Мақола архив ҳужжатлари, миллий матбуотдаги мақолалар, Абдулла Авлонийнинг қариндошлари хотиралари ҳамда тарихий адабиётлар асосида ёзилган бўлиб, тараққийпарвар ҳақида батафсил маълумот олиш имконини беради.

*Калим сўзлар:* таълим, жадид мактаби, дарслик, миллий матбуот, театр, хайрия жамиятлари, совет идоралари, элчилик.

**Кириш.** Абдулла Авлонийнинг педагог, драматург, тилишунос, публицист, маданиятшунос, сиёсий шахс сифтидаги фаолияти бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилди. А. Бобохонов, М. Махсумов, Д. Рахмоновалар

тараққийпарварнинг педагогик, ахолоқий қарашларини илмий таҳлил қилган бўлсалар, Т. Турсунов, М. Рахмонов, Ш. Ризаев драматургия ва театрчилик фаолиятини ўрганганлар. Б. Қосимов, Б. Дўстқораев ва бошқалар Абдулла Авлонийнинг публицистик фаолиятига эътибор қаратганлар.

Мақолани ёзишда нарратив (далиллар асосида тарихий жараёнларни маълум бир мантиқ ва кетма-кетлик асосида баён қилиш), қиёсий, тарихий тизимли, мантиқий таҳлил, муаммовий хронологик усулларидан фойдаланилган. Абдулла Авлоний Туркистон жадидчилик миллий ҳаракатининг йирик ва ёрқин вакили бўлиб, илмий ва маърифий юксалиш ғояларини олға сурган буюк шахс. “Тарбия биз учун ё хаёт – ё мамот, ё нажот – ҳалокат, ё саодат – фалокат масаласидир” шиорини ўртага ташлаган улуғ маърифатпарвардир.

**Асосий қисм.** Абдулла Авлоний 1878 йил 12 июлда Тошкентда “Мерганча” маҳалласида туғилган. Бобоси Мирнеъматбой қўқонлик бўлиб, ўқчи-ёйчилик билан шуғулланган. Тошкентга кўчиб келган вақти номаълум. Отаси Миравлон тўқувчилик билан шуғулланган. Пиёнбозорда, Ярмарка бозорида бўз ва чит билан савдо қилган. Онаси Фотима уй бекаси бўлган [1, 108 б.]<sup>1</sup>. Мирнеъматбойнинг ҳовлиси ҳозирги Мирбод тумани ҳудудида бўлиб, Тошкент босиб олингач, Туркистон генерал-губернаторлигининг марказига айлантирилган. Мирбод шаҳарнинг Янги қисмига кўшиб олинган ва Сапёрний, Госпитальний кўчалари пайдо бўлган. Абдулла Авлоний ва укаси Мирсиддик боболаринининг ҳовлисида янги уйлар солиб, яшаганлар. Мирсиддик ҳам жадидчилик ҳаракатининг фаол аъзоларидан бўлиб, акаси ташкил қилган “Турон” театр гуруҳида фаолият юритган [2, 24 б.].

Абдулла Авлоний 1900 йили тошкентлик савдогарлардан бирининг қизи Саломатхонга (1883 – 1971) уйланган. Шу йили отаси вафот этган. Абдулла Авлонийнинг Асатилла (1917 – 1933), Оталиқ (1925 – 1940), Кенжа (1927 –

<sup>1</sup> Қаранг: Миллий уйғониш. Тошкент. 1993. 108-бет.

1997) исмли ўғиллари, Сора (1902 – 1948), Карима (1912-2001) ва Ҳакима (1927 – ?) исмли қизлари бўлган. Қизлари Карима сув хўжалиги муҳандиси бўлиб, бир қатор масъул вазифаларда ишлаган; Ҳакима эса филолог, рус адабиёти мутахассиси бўлган. Ўғиллари Кенжа кимёгар бўлиб, узоқ йиллар Тошкент техника университетида ўқитувчилик қилган [3, 79-80 б.].

Абдулла Авлоний фарзандларининг жисмоний ҳолатига катта эътибор берган. Болалари ҳовлида енгил жисмоний машқлар билан шуғулланиши учун шароит яратиб берган. У болалар ҳам ақлий, ҳам жисмоний соғлом бўлиши керак, деб ҳисоблаган. Ҳар баҳорда ўғиллари билан варрак ясаб, улар билан бирга учирган. Мехрибон турмуш ўртоғи, ғамхўр ота бўлган.

Кейинчалик Абдулла Авлонийнинг турмуш ўртоғи Саломат ая эри ҳақида қўйидагиларни хотирлаган: “Абдулла Авлоний кечаси билан ижод қиласдилар, ҳатто, стол устига қўйган овқатим ҳам совиб қоларди. Эрталаб дўстлари келганда эса ёзган нарсаларини барчага завқ билан ўқиб берарди. Ижодга бор вужуди билан шўнғиб кетгувчи инсон эди. Мен уларга “Домла” деб мурожаат қиласдим... Уйимизга жуда кўп меҳмон келар ва, асосан, ижод ҳақида узоқ сұхбатлар кечарди. Жуда кўп шеър билар ва атрофдаги одамларга жуда дилкаш сұхбатдош эдилар. Домла “Минг бир кеча”, “Калила ва Димна” асарларини ёддан биларди ва болаларини, дўстларини ўтқизиб олиб шу асарларни ёддан айтиб беришни хуш кўрарди... Домла кейинчалик маҳсида ухлайдиган бўлдилар. Мен “Нега бундай ухляяпсиз?”, деб сўраганимда, “Кечаси олиб кетишиша, кийинишга ҳам имкон беришмайди”, деган эдилар. Домла ҳар дақиқада олиб кетишиларини ҳис қилган, буни юракдан сезган. 1934 йилда оламдан ўтган бўлсалар-да, лекин аянчли қатағон даҳшатлари анча вақтли сезила бошлигани эди...” [4].

Абдулла Авлоний 7 ёшдан “Ўқчи” маҳалласидаги эски мактабда ўқиган. Мактабда Акромхон домла дарс берган. Мактабни тамомлагаёт, 1890 йили шу маҳалладаги мадрасага ўқишга кирган. Сўнг Шайхонтоҳурдаги Абдумаликбой

мадрасасида Мулла Умар Охун қўлида таълим олган. Оилавий шароити туфайли 1891 йилдан фақат иш фаслида мадрасада ўқиган. Қолган пайт ғишт қуиши, сувоқчилик, печкачилик, дурадгорлик қилиб, оиласининг моддий таъминотига кўмаклашган [5, 3-5 б.]. Мадрасада ўқиб юрган пайти адабиётга қизиқиш уйғонган. Алишер Навоий ва Фузулий ғазалларини ўқиган. Форс тилини ўрганган. 1894 йилдан шеърлар ёза бошлаган. Аммо бу даврдаги шеърларини чоп қилдирмагани учун сақланиб қолмаган. Фақатгина 1905 йилдан кейин ёзилган шеърлари бизга маълум [3, 5 б.]. Шеърларини “Хижрон” тахаллуси билан, мақолаларини эса “Мулла Абдулла”, “Авлоний”, “Абдулла Авлоний” ном-лари билан эълон қилган. Унинг кўп ишлатган лақабларидан бири “Индамас” бўлган.

*Мактабчилик ва дарсликлар яратиши йўлидаги ҳаракатлари.* Абдулла Авлоний 1904 йили Мирободда жадид мактаби очган. Олти ойда ўқувчиларга ўқиши-ёзишни ўргатган. Мактабда жуғрофия, ҳисоб, табиат каби фанларни ўқитиши жорий қилган [6]. 1908 йили Абдулла Авлонийнинг Мирободдаги мактаби ёпилган: “Мактабимда ер, одамлар, тоғ-тошлар, дарё, осмон ҳақинда сұхбатлар ўтказмоққа ҳаракат қилганимни Миробод жоҳил кишилари билишиб, мени коғир бўлдинг, деб, мактабимни ёпдилар...” [7, 12 б.].

Абдулла Авлоний 1909 йили “Дегрез” маҳалласида яна мактаб очган. Бу мактабида қизлар ҳам ўғил болалар билан ёнма-ён ўтириб таҳсил олганлар. 1910 йил 23 майда Абдулла Авлоний мактабида уламолар, ўқувчиларнинг оталари ва кўплаб кишилар иштирокида бўлган. Имтиҳонда ёш шогирд-қизлар ўз ақли ва тарбияси билан ҳаммани ҳайратда қолдирган [8].

*Дарсликлар яратиши йўлидаги ҳаракатлар.* Абдулла Авлоний 1909 – 1917 йиллар давомида мактаб ўқувчилари ўндан ортиқ дарсликлар ёзган. Унинг “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ”, “Мактаб гулистони” сингари дарсликлари, “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” тўплами нафақат ўз мактабида, балки Туркистоннинг кўплаб янги усул

мактабларида фойдаланилган: “Муаллим афандилар ва адабиёт муҳиблари беним бу асари ноҷизоналаримни илтифотсиз қолдурмадилар. Туркистоннинг энг машҳур муаллимлари дарс жадвалина киритуб, майдони таълима қўйдилар” [9, 2 б.].

Абдулла Авлоний “Учинчи муаллим”, “Мактаб жуғрофияси”, “Ҳисоб масалалари” дарсликларини ҳам ёзган. Аммо улар бизга номаълум сабабларга кўра нашр қилинмаган.

Абдулла Авлонийнинг “Биринчи муаллим”и 1917 йилга қадар 4 марта нашр этилган. Китобни тайёрлашда Саидрасул Азизийнинг “Устози аввал” дарслигига суюнган. “Иккинчи муаллим” “Биринчи муаллим”нинг давоми бўлиб, ўқиш китоби ҳисобланган. Китоб дастлаб 1912 йили Тошкентда Ғулом Ҳасан Орифжонов тобосмахонасида чоп қилинган. 1915 – 1917 йиллари турли босмахоналарда қайта нашр қилинган.

Абдулла Авлоний “Биринчи муаллим” дарслигига халқ оғзаки ижоди намуналаридан, айниқса мақоллардан самарали фойдаланган. Ҳикояларни ёзишда Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достони, Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асарларидан фойдаланган.

Авлоний дарсликларида ўқувчиларни бирдамликка чорлайдиган ҳикоялар ёзишга ҳам алоҳида урғу берган. Бир ҳикоясида болаларга чумолилар ҳамкорлигини ўrnак қилиб, бирлашмасликнинг зарари, ҳалокатли оқибатини кўрсатган. Бу пайтда Туркистонда тараққийпарварлар ва мутаассиб уламолар ўртасида доимий келишмовчиликлар бўлиб, бирликка интилмас эдилар. Абдулла Авлонийнинг ҳикояларидағи бирлашмаслик хусусий эмас, миллий дард эди.

1913 йили Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асари нашр қилинган бўлиб, 1917 йили иккинчи марта чоп қилинган. Китоб мактабларнинг юқори синф ўқувчилари учун дарслик сифатида ёзилган. Ҳар икки нашр ҳам ҳажм жиҳатидан бир-биридан фарқ қилмайди. Биринчи нашр

котиб Абдусалом Абдураҳмон ўғли, иккинчиси котиб Абдул Маннон ибни Абдул Мажид (ўзбек миллий театрининг машҳур актёри Маннон Уйғур Мажидов) томонидан нашрга тайёрланган [10, 6 б.].

Тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ушбу китоб нафақат мактаб ўқувчилари, балки катта ёшдаги аҳоли томонидан ҳам севиб ўқилган. Китобда ватанпарварлик туйғуси энг олий туйғу сифатида уқтирилган: “Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ сүйдигимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлик, иссиқ чўлларини, эскимўлар Шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суралар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб, ҳижрат қилурлар эди. Боболаримиз “Киши юртида султон бўлгунча, ўз юрtingда чўпон бўл”, — демишлар... Ҳаммага маълумдирки, энг муқаддас диний еrimiz ўлан Арабистонга боғларини, ҳовлиларини сотиб ҳижрат қилган ҳожиларимизнинг аксари яна ўз ватанига қайтиб келурлар. Бунинг сабаби, яъни буларни тортуб кетурган қувват ўз ватанларининг, тупроқларининг меҳру муҳаббатидур” [11, 27 б.].

Мустамлака зулми остида яшаётган Туркистон аҳолисини руслаштириш сиёсати бошланган бир пайтда Абдулла Авлонийнинг ушбу дарслигида тилга, маданиятга муҳаббат ҳар бир кишининг халқига бўлган муҳаббати сифатида кўрсатган: “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрасатадурғон ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидир [11, 33 б.]. Хуллас, ушбу китоб ёшларнинг ахлоқий ва ақлий тарбиясида муҳим ўрин тутган.

*Матбуотчилик.* Абдулла Авлоний таржимаи ҳолида (1932 йили ёзилган) 1904 йилги рус-япон уруши ва 1905 йилги Россияда бўлиб ўтган инқилоб унинг дунёқарашига таъсир ўтказгани, сиёсий маслаклар йўлида биринчи навбатда халқни илмли қилиш, миллий матбуотга асос солиш кераклигини тушуниб етганини ёзган [3, 7 б.]. Таржимаи ҳолида “бизнинг ташкилотимиз”, “уюшма

ҳаракати” жумлаларидан “Турон” жамияти 1913 йили эмас, 1904 – 1905 йиллари тузилгани ойдинлашади.

Россияда 1905 – 1907 йиллари бўлиб ўтган сиёсий воқеалар натижасида император Николай 1905 йил 17 октябрда ислоҳот фармонини имзолашга мажбур бўлди. Унга кўра, фуқароларга сўз ва матбуот эркинлиги, жамиятлар тузиш ихтиёри берилди, инсон хуқуқларини муҳофаза қилиш белгиланди. Юзага келган қулай вазиятдан Туркистон жадидлари ҳам фойдаланиб, 1906 йили “Тараққий” газетасига асос солғанлар [12, 109 б.]. “Тараққий” газетаси — жадидларнинг 1906 йили Исмоил Обидов ноширлигига чоп қилинган ilk газета бўлиб, жами 19 сони чиқкан. Мустамлакачилик сиёсатига қарши қарашлари учун 72 кунлик фаолияти давомида 4 марта жаримага тортилган ва нашри тўхтатилган. Кўп ўтмай, “Хуршид” газетаси чиқа бошлайди. “Хуршид” газетаси — жадидларнинг 1906 йили Мунавварқори Абдурашидхонов ноширлигига Тошкентда чоп этилган газетаси; мустамлакачилик сиёсатига қарши қарашлари учун 11-сонидан сўнг шу йили ёпилган. Абдулла Авлоний бу нашрлар ишида бевосита иштирок этган.

“Тараққий” ва “Хуршид” газеталари фаолияти тўхтатилгач, Абдулла Авлоний “Шухрат” газетасини нашр қилиш учун рухсат олган ва унинг биринчи сони 1907 йил 1 декабрда чоп қилинган. Газетанинг ҳар бир сони 1000 та атрофида чиқкан. Унинг биринчи бетида ўзбек ва араб тилларида “Чин мамлакатида бўлса ҳам илм талаб қилинг” деб ёзилган. Бу билан газета илм, таълим ва маърифат масалаларига алоҳида эътибор қаратишини билдирган. Газетада жадидларнинг мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиш, жамиятдаги иллатларга барҳам бериш, илм-фанни тарғиб қилиш, мутаассибликни танқид қилиш, туркий халқлар ва дунё мусулмонлари билан алоқа ўрнатиш ва ўзаро ёрдамда бўлиш, миллий бирлик ва ҳамжиҳатликка эришиш, хайрия жамиятлари тузиш каби ғоялари ўз ифодасини топган. Газета 10-сони чиққандан кейин ҳукумат томонидан ёпилган [13, 611 – 612 в.]. 1914 – 1915 йиллари Убайдулла

Хўжаевнинг (1886 – 1942) “Садойи Туркистон” газетасида 20 дан ортиқ шеърлари ва мақолалари билан иштирок этган.

Абдулла Авлоний 1917 йил феврал воқеаларидан кейин Туркистонда вужудга келган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланган. 1917 йил 22 апрелда “Яшасин халқ жумҳурияти!” шиори остида “Турон” газетасини чиқарган. Газетанинг мақсади “Мусулмонлар орасида кўп йиллардан бери давом ўлан умумға зўрлик, бидъат ва одатларни битирмак. Келажакда бўладургон жумҳурий идорага халқни тайёрламоқ”дан иборат бўлган [14]. Газетанинг биринчи сонида Мирмуҳсин Шермуҳаммедовнинг монархия тартибини қораловчи “Бизга идораи руҳония керакми?”, Абдулҳамид Чўлпоннинг ҳурриятга эришиш йўлида ҳаммани ҳаракатга чорловчи “Иш вақти – ишлаш вақти” мақоласи эълон қилинган.

Газетанинг иккинчи сонида Мирмуҳсин Шермуҳаммедовнинг Бухоро амирлигидаги жаҳолат ва мутаассибликни фош этувчи “Тарихий икки воқеа” мақоласи нашр қилинган. Муаллиф Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги уламоларни “судрама чопон”, деб ҳақорат қилиш орқали Тошкент уламоларини ҳам танқид остига олган эди. Мақола Тошкент уламоларининг жиддий қаршилигига учрайди [15]. Улар босмахонага бориб, газетанинг нашрини тўхтатишни талаб қилганлар: “Агарда сиз Авлоний газетасин матбаангизга боссангиз, ўлсангиз сизга жаноза ўқутмасмиз” [16]. Уламоларнинг жиддий тазиики оқибатида Мирмуҳсин шаҳардан қочиб кетмоқчи бўлганда қўлга олинган ва Себзор даҳаси қозиси Ғуломрасулхўжа Муҳаммадрасулхўжа ўғли томонидан сўроқ қилинган ҳамда 8 ойлик қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 4 ой қамоқда жазони ўтаган Мирмуҳсин тараққийпарварларнинг саъй-ҳаракати билан озод қилинган ва 1917 йил сентябридан Уфадаги “Олия” мадрасасига ўқишига юборилган.

Абдулла Авлоний газета фаолиятини давом эттириш мақсадида Тифлисдан “Мулла Насриддин” матбаасидан ҳарфлар ва ҳарф терувчи олиб келган ҳамда

“Турон”нинг учинчи сонини нашр эттирган. Уламоларнинг қаршилиги давом этиши оқибатида Абдулла Авлоний газета муҳаррирлигидан кетишга мажбур бўлган [16].

Газетанинг тўртинчи сонидан Низомиддинқори Мулла Ҳусайн ўғли, кейинчалик Мунавварқори Абдурашидхоновнинг шогирди, озарбайжонлик Муҳаммадамин Афандизода муҳаррирлик қилган [12, 257 б.]. Абдулла Авлоний газета фаолиятидан расман четлатилган бўлса-да, унинг нашр ишларига ёрдаб берган. “Турон” газетаси 20-сонидан сўнг “Турк сўзи” номи билан чиқа бошлагач, Абдулла Авлоний газетадаги фаолиятини бутунлай тўхтатган.

*Хайрия жамиятлари. Театрчилик.* Абдулла Авлоний хайрия ва сиёсий жамиятлар тузиш ишларида ҳам фаол иштирок этган. 1906 йил 17 сентябрда Тошкент шаҳрининг сармоядорлари ва жадидлари Кўкалдош мадрасасида тўпланиб, хайрия жамияти тузишга қарор қилганлар [17]. Жамиятнинг ишини юритиш учун Тошкент шаҳрининг йирик тадбиркорларидан бешта масъул белгиланган: Орифхожи Эшон Азизхожи Эшон ўғли, Сайдкаримбай Сайдазимбай ўғли, Мақсадхўжа Эшон Отакхўжа Эшон ўғли, Абдувалихожи Абдулмаликбай ўғли, Мирза Абдуллоҳ Исо Муҳаммадбай ўғли. Жамият аъзолари ташкилот фаолияти учун 7 минг сўм, жумладан, шаҳарнинг йирик тадбиркори Орифхўжа Азизхўжа ўғли 1000 сўм берган [18]. Хайрия жамиятининг фаолияти босқинчи ҳукумат назаридан четда қолмаган ва фаолияти тўхтатилган. Орадан уч йил ўтиб, Мунавварқори Абдурашидхонов ва Абдулла Авлоний ташаббуси билан Тошкентда 1909 йили “Жамияти имдодия”га асос солинган. Мўминжон Муҳаммаджон ўғли жамият ва унинг таъсисчилари ҳақида қўйидагиларни ёзган: “ Жамияти имдодия отлик бир кўмак жамияти бор эди. Буни бошлаб очувчилар: 1) Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, 2) Башируллахон Асадуллохўжа ўғли, 3) Мулла Абдуллоҳ Авлоний, 4) Низомқори мулла Ҳусайн ўғли, 5) Тошхўжаҳожи Туёқбой ўғиллари эканлар” [19, 211б.]. “Жамияти имдодия”нинг мақсади:

- бева, камбағал, ногиронларни тарбиялаш;
- кўча ҳамда бозорларда гадойлик ва бошқа беҳуда ишлар қилиб юрувчилар учун камбағалхона, етимхона, ошхона, чойхона, ётоқхоналар очиш;
- муҳтожларга лозим бўлганда пул, овқат, кийим бериб туриш;
- вақфсизликдан, тарбиячисизликдан ҳувиллаб қолган мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиш, мударрис ва шогирдларга пул тайин қилиб ободонлаштириш;
- камбағал, муҳтож мударрис ва ўқувчиларга ёрдам бериш, ўзи ўқишига қодир бўлиб туриб пулсизликдан ўқий олмай қолган талабаларга қўмаклашиб илм олишига ёрдам беришдан иборат бўлган [20].

Хайрия жамияти ташкил топган даврида асосий маблағини истеъододли ёшларни хорижда ўқитишига сарфлаган бўлса, 1911 йили камбағалхона ташкил этишига 1100 сўм маблағ ажратган. Камбағалхона 10 кишига мўлжалланган бўлиб, унда яшовчи кишиларнинг бир йиллик ҳаражатлари, жумладан, ҳар бир кишининг овқати, кийим-кечаги, ўтин, идиш-товоқ, хона жиҳозлари кабилар нархи ҳисоблаб чиқилган. Шунингдек, жамият етим ва фақир болаларнинг таълими учун 1344 сўм маблағ ажратган. Тошкент шаҳрининг тўрт даҳасидан 40 нафардан 160 нафар боланинг бошланғич таълими ва ўқув қуроллари учун ишлатилган. 1911 йил бошида жамиятга моддий ёрдам сўраб ариза ёзган камбағалларга ҳам йиллик 140 сўм берилган. Бу маблағ 1914 йили 194 сўмни, 1915 йили эса 500 сўмни ташкил қилган [21, 56 в.].

Хайрия жамияти мактабларнинг моддий таъминотини яхшилаш учун ҳам маблағ ажратган. Жумладан, 1914 йили “Кўк масжид” маҳалласидаги Абдуллахон Иброҳимхон ўғли бошчилик қилаётган мактабга 120 сўм ҳамда “Каллахона” маҳалласидаги Муҳаммадсайдид Муҳаммадмусо ўғли мактабига 80 сўм, “Девонбеги” маҳалласидаги Эшонхўжа Ҳоний мактабига 150 сўм, “Тахтапул” маҳалласидаги Собиржон ва Шокиржон Раҳимийларнинг мактабига

100 сўм ҳамда “Тарновбоши” маҳалласидаги Мунавварқори мактабига 350 сўм берилган [22].

Жамият ўзи хомийлик қилаётган етимхона ва ногиронлар уйига шифокор ҳамда ҳамширалик хизматини жорий қилган. Тошкент шахрида фаолият юритаётган россиялик хусусий шифокорлар билан битим тузиб, етимхона ва ногиронлар уйи тарбияланувчиларга йўлланма бериш орқали даволанишларига имконият яратиб берган. Шунингдек, бу тартиб камабағаллар учун ҳам амал қилган. Этник рус, шифокор Н.Н. Зайкин хайрия жамияти йўлланмаси билан келган камбағал касалларни текин даволаган [23, 57 в.].

“Жамияти имдодия” бойлар томонидан бериладиган пулни хайрия ишларига сарфлаш билан чекланмай, ўзлари ҳам турли тадбирлар, жумладан, театр томошалари қўйиш орқали ҳам пул жамғарганлар. Бундан ташқари жамият масъуллари ҳам шахсий пулларини жамият учун сарфлаганлари маълум. Жамият таъсисчиси ва масъули Абдулла Авлоний ўғил фарзанд кўриши муносабати билан ақиқа тўйи қилганда, суюнчи сифатида берилган 48 сўм 20 тийинни “Жамияти имдодия” хазинабони Илҳомжон Иноғом ўғлига топширган [24]

1913 йил охирларида “Жамияти имдодия” негизида “Турон” жамияти тузилган. Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Убайдулла Асадуллахўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Комилбек Норбеков, Мухаммаджон Подшохўжаев, Каттахўжа Бобохўжаев, Башриллахон Асатиллахўжаев, Низомиддин Асомиддинхўжаев, Каримбек Норбековлар унинг таъсисчилари бўлган [1, 104 б.]. Жамиятининг 73 моддадан иборат Низомномасида унинг мақсад-вазифалари белгилаб берилган. Жамият аҳоли ўртасида саҳна ишлари ва хайрияга жиддий муносабат ҳамда муҳаббатни ривожлантириш; ҳалқ учун спектакл кўрсатиш, унга соғлом томоша бериш, кечалар, концертлар, спектакллар ва бошқа оммавий томошаларни ўтказиш; Туркистон ўлкаси худудида яшовчи муҳтоҷ мусулмонларга моддий ёрдам

бериб, маънавий ва моддий жиҳатини яхшилашни мақсад қилган. “Турон” жамияти ўз биносига ва “Тошкент шаҳридаги Турон номли мусулмонлар драма санъати ҳаваскорлар жамияти” деб ёзилган хусусий муҳрига эга бўлган [25, 54 б.].

Шу йилнинг ўзида “Турон” жамияти негизида Абдулла Авлоний ёшлардан иборат “Турон” театр гурухини тузган. Гуруҳга Низомиддин Хўжаев, Ғулом Зафарий, Шокиржон Раҳимий, Самиъқори, Фозил Жонбоев, Ҳасанқори, Бадриддин Аъламов, Муҳаммаджон Пошшоҳўжаев, Қурматилла Юнусий, Абдураҳмон Акбаров, Саъдуллаҳўжа Турсунхўжаев, Юсуф Алиев, Мусо Азимов, Мирмулла Шермуҳамедов, Эшонхўжа Хоний, Қурматулла Махсумлар, 1916 йили Маннон Уйғур, Сулаймон Хўжаевлар аъзо бўлиб кирган [26, 48 б.]. Театр гуруҳи кўплаб, саҳна асарларини тайёрлаб, томошабинлар эътиборига ҳавола қилганлар. Абдулла Авлоний саҳналаштирган биринчи асар Беҳбудийнинг “Падаркуш” драмаси бўлган. У 1914 йилнинг 27 февралда Тошкентда 2000 кишилик “Колизей” театрида саҳнага кўйилган. Спектакл бошланиши олдидан Мунавварқори Абдурашидхонов театрнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида нутқ сўзлайди: “... Тиётрнинг асл маъноси ибратхона ёки улуғлар мактаби деган сўздур. Тиётр саҳнаси ҳар тарафи ойнабанд қилинган бир уйга ўхшайдирки, унга ҳар ким кирса, ўзининг ҳусн ва қабиҳини, айб ва нуқсонини кўриб ибрат олур. Ва бу саҳнада кўзига ёмон кўринган паст одатлардан ва бузук ахлоқлардан узр қилмоққа ҳаракат қилур” [27, 153-154 б.].

“Турон” театр гуруҳи аъзолари ҳам саҳна асарлари яратганлар. Жумладан, Саъдуллаҳўжа Турсунхўжаев “Туркистон ватанпарварлари” драмасини ёзган ва бу асар жамоа томонидан саҳналаштирилган ҳамда намойиш этилган [3, 12 б ].

Туркистонда театрни ривожлантиришни мақсад қилган Абдулла Авлоний татар ва озарбайжонлик таракқийпарвар ижодкорларни ҳам гурух ишига жалб қилган. Татар режиссёри Заки Боязид, машхур озарбайжон санъаткори Сидкий

Рұхилло билан ҳамкорлик қылған. Театр гурухи томонидан ўйналған барча спектакллар Заки Боязид томонидан сақналаштирилған. Сидқий Рұхилло 1916 йили Абдулла Авлонийнинг таклифи билан Тошкентта келған ва унинг уйда “Турон” театри актёрлари билан “Лайли ва Мажнун” спектаклини қўяган. Мажнун ролини Сидқий Рұхилло, Маллуни (“Лайли ва Мажнун” достонидаги ёмон ниятли, фикри бузук вазир) Абдулла Авлоний ижро этган. Бундан ташқари, Бокуда чоп этилган “Янги иқбол” газетасида “Турон” театр гурухи раҳбари Абдулла Авлоний томонидан “Мардикор” тахаллуси билан Жалил Муҳаммадқулизодага унинг “Ўлганлар” драмасини сақналаштиришга рұхсат беришини сўраб ёзган мактуби эълон қилинган. Муаллифнинг розилиги олингач, мазкур асар сақналаштирилған ва 1916 йил 11 – 12 июн кунлари Тошкентда намойиш этилган [28].

1914 йил 26 декабрда “Турон” театр гурухи “Туркистон” номи билан Фарғона водийси бўйлаб сафарга чиқкан. 1915 йил 7 январда Кўқонда, 9 январда Андижонда, 21 – 24 январда Намангандаги, 29 январда Ўшда Абдулла Авлоний раҳбарлиги ва иштирокида спектакллар намойиш этилган.

Абдулла Авлоний театр жамоаси учун “Авдокатлик осонми?”, “Пинак”, “Биз ва Сиз”, “Икки севги”, “Пўртугалия инқилоби” каби драмаларни ёзган, “Қотили Карима”, “Уй тарбиясининг бир шакли”, “Хиёнаткор оиласи”, “Бадбаҳт келин”, “Хўр-хўр”, “Жаҳолат”, “Ўликлар” каби саҳна асарларини татар ва озарбайжон тилидан ўзбек тилига ўтирган [29, 63-71 б.].

Абдулла Авлоний театр томошаларида аёллар ролини ўзи ижро этишга мажбур бўлған. Чунки Туркистон жамиятида аёлларнинг оммавий йигинларда рол ижро этиши нари турсин, юз кўрсатиши мумкин бўлмаган. Мутаассиб уламолар Абдулла Авлонийнинг вазият юзасидан саҳанада аёл қаҳрамонлар ролини ўйнашини билсаларда, уни коғир деб эълон қилғанлар. Унинг мактабида ўқиши харом санаганлар. Натижада 1915 йили Абдулла Авлоний мактаби ёпиб қўйилған. Тазииклар ва сиқувларга қарамай Абдулла Авлоний

ижтимоий фаолиятини тўхтатмаган. Чунки сиёсий мақсадни амалга ошириш учун қийинчиликларга сабр қилиш ва маслакдан қайтмаслик лозим эди. Абдулла Авлонийнинг қуидаги фикрларидан Туркистон жадидларининг асосий мақсадларини англаш қийин эмас: “Бу вақтларда бизнинг мақсадимиз зохирда театру бўлса ҳам ботинда Туркистон ёшларин сиёсий жиҳатдан бирлаштирув ва инқилобга ҳозирлов эди” [16].

Абдулла Авлоний саҳна учун ёзган асарларида Туркистондаги ижтимоий-маиший муаммоларни кўрсатиб берган. Жумладан, 1915 йили ёзган “Пинак” писесасида Туркистонда авж олган иллатлар кўкнори ва қиморбозлар ҳаёти орқали фош этилган [30, 146 – 156 б].

1916 йили ёзилган “Адвокатлик осонми?!” писесасида Туркистон халқининг ўз ҳақ-хуқуқларини билмаслиги, давлат қонунлари, хукуқий тартиблардан бехабарлиги очиқланган. Муаллиф Туркистон жамиятидаги иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни Худойбердининг ер олди-сотдиси қоидаларини билмаслиги оқибатида ҳам ерсиз, ҳам пулсиз қолиши; қиморбоз эрнинг қўлида хор бўлган Мехринисонинг аянчли тақдирини кўрсатиш орқали халқни хукуқий саводхонликка чақирган. Асаннинг бош қаҳрамони, Россияда адвокатлик бўйича етти йил таҳсил олган Давронбек Туркистон халқи ўз хуқуқларини билмасликлари тифайли баҳтсиз эканликларини кўриб, уларга ёрдам бериш учун ўз билимларини ишга соглан [30, 130-145 б.].

1923 йили ёзилган “Биз ва Сиз” писесасида Европада ўн йил ўқиб, “янги ҳаёт”, “янги турмуш” ҳақидаги орзуладар билан қайтган Камолнинг тақдири очиқланган. Муаллиф Камол мисолида ўзбек хонадонларидаги оила қуриш билан боғлиқ муаммоларнинг салбий оқибатларини кўрсатиб берган. Ота – онанинг бой хонадон билан қуда бўлишга интилиши, оила қураётган ёшларнинг бир-бирини танимасдан туриб, бир умрлик баҳтсизликка маҳкум бўлиши, йигит

ва қызларнинг хоҳишлири инобатга олинмаслиги оқибатида уларнинг эрта вафот этишини намойиш қилиш орқали ҳалқни заарли урф-одатлардан воз кечишига чақирган [30, 157-186 б.].

Абдулла Авлоний 1921 йили “Португалия инқилоби” писесини ёзган. 1910 йил 4 октябрдан 5 октябрига ўтар кечаси Португалияда Англиянинг тазиқидан, монархиянинг зулмидан тоқати тоқ бўлган ҳалқ қўзғолон кўтаради. Унга республикачилар бош бўладилар. Уларни армия қисмлари ҳамда ҳарбий-денгиз флоти кучлари қувватлаб чиқади. Лиссабонда бутун ҳалқ оёққа туради. Қирол Мануэл қочиб кетади. Шоҳлик тугатилиб, Португалия Республика деб эълон қилинади. “Португалия инқилоби” писеси ушбу тарихий жараёнга бағишлиланган бўлса-да, аслида Туркистондаги ҳолатни ифода этган эди. Асар инқилобчиларнинг “Марселеза” куйи билан саҳнага қизил байроқ кўтариб кириб келиши билан тугайди. Кўриниб турганидек, Португалиядаги сиёсий озодлик ва мустақиллик йўлидаги қўзғолон ва Туркистондаги воқеалар ўртасида маълум муштараклик бор. Бу пайтда Туркистон қўрбошилари совет ҳукуматига қарши қуролли кураш олиб бораётган эди. Абдулла Авлонийнинг миллий истиқлол курашлари ғалаба билан тугашига умид қилгани писесининг сўнгги воқеаларидан яққол сезилади.

Абдулла Авлонийнинг тугалланмаган яна бир писеси бўлиб, икки пардалик “Икки севги”дир. Асар номидан кўриниб турганидек, хурриятга ва ёрга муҳаббатни кўрсатиб берган. Писеса Усмонли турк сultonлигига 1908 йили бўлиб ўтган Ёш турклар инқилобига бағишлиланган. Асарнинг бош қаҳрамонлари “Иттиҳод ва тараққий” партиясининг аъзоси Нозимбек ва унинг хотини Холидахоним бўлиб, уларнинг бир-бирига ва фарзандларига муҳаббатларидан Ватанга бўлган муҳаббатлари анча юқори эканлиги акс эттирилган [30, 187-216 б.].

*Совет идораларидағи фаолияти.* Россия империясининг эллик йиллик мустамлака тузуми оқибатларини кўрган, босқинчи ҳукуматнинг зўравон

сиёсатига бўйсунмаган кишиларнинг руҳан ва жисмонан қийноқ солинишига гувоҳ бўлган Абдулла Авлоний уларнинг “янги давомчиси” большевиклар билан муроса қилиш йўлини танлаган. Унинг большевикларга яқинлашиши 1917 йилнинг июнига тўғри келади. 1917 йил 6 июндан Тошкент ишчи ва солдат депутатлари Совети қарорига кўра очарчиликни тугатиш мақсадида тузилган Эски шаҳар озиқ-овқат комиссияси аъзоси, шу йилнинг 20 ноябрдан Россиянинг бошқа вилоят ва губернияларига Сирдарё вилоятидан юбориладиган энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларини ушлаб қолиш ва Эски шаҳар озиқ-овқат комитетига маълум қилиш хуқуки билан назорат этувчи вакил қилиб тайинланган [3, 68 б.].

Бу ишлардан ташқари ўқитувчилик билан ҳам шуғулланган. 1917 йил 1 августда Қозонда Бутунроссия мусулмон ўқитувчиларининг II съездидаги катнашган. 1918 йили Коммунистик партияга аъзо бўлиб кирган. Туркистон ўлка советига сайланган. Тошкент партия ташкилоти, шаҳар ижроия қўмитаси раиси бўлиб ишлаган. 1918 йил 17 – 29 декабрда бўлиб ўтган Туркистон Коммунистик партиясининг 11-съезди Абдулла Авлонийни Марказий қўмитага, 1919 йил апрелда Туркистон Марказий Ижроия қўмитасига аъзо қилиб сайлаган. Бир муддат “Иштирокион” газетасига муҳаррирлик қилган [3, 69 б.].

1919 йил июнида Абдулла Авлоний РСФСР ҳукуматининг топшириғи билан Афғонистонга борган. 1919 йил 28 сентябрдан 1920 йил 20 июлгача Ҳиротда бош консул бўлиб ишлаган. Афғонистондаги фаолияти даврида Абдулла Авлоний большевиклар ҳукуматининг босқинчи, иккюзламачи ва зулм сиёсатини тушуниб етган. Ўзларини ҳақиқат курашчиси деб жар солган рус большевикларининг собиқ чор ҳукуматидан мутлақо қолишмаслигига амин бўлган: “Оҳ, на инсоният, на баробарлик, на социалистик, на миллат тафриқ қилмайдурғон интернационалистлар дунё юзинда топилармукин? Балки бордур, топилур, лекин вужуди анқонинг тухумидек камёб эканлигин Афғонистон сафарига чиқғонда аниқ билдим. Афғонистонга чиқғон беш

ҳайъати ваколанинг ичида биргина мусулмон ман ўлдигимдан ҳар бир оғир меҳнатлар, ҳар бир кулфат ва азиятлар мени устимға юкланди... Ўртоқ Бровин (РСФСРнинг Афғонистонга юборган ҳайъати вакили бошлиғи) Афғон туфроғига ўтгандан сўнг ўзини(нг) женероли чор ноил эълон қилмиш эди” [30, 278 б.].

Авлоний 1920 йили соғлиғи ёмонлашгач, Кобулдаги етти ойлик консуллигини якунлаб, Тошкентга қайтган ва Туркбюронинг маданият бўлимига бошлиқ қилиб тайинланган. Шу йили “Касабачилик ҳаракати” журналининг муҳаррири, “Қизил байроқ” газетасининг таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида ҳам ишлаган. 1921 йили Тошкент ўзбек билим юртида, 1923 йили Тошкент хотин-қизлар билим юртида мудир, 1924 йили Ленин номли ҳарбий мактабда ўқитувчилик қилган. 1925 – 1930 йиллари Ўрта Осиё Коммунистик университета (САКУ), Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалиги мактабида (САВКСХШ), Ўрта Осиё Давлат университетида (САГУ) дарс беради. Педагогика факултетининг тил ва адабиёт кафедраси профессори, сўнг мудири бўлиб ишлаган [31, 68 б.].

Ижтимоий-сиёсий фаолият билан бирга Абдулла Авлоний “Иштирокиён” ва “Туркистон” газеталарида, “Касабачилик ҳаракати” журналида мақолалар ва шеърлар нашр қилдириб турган.

Форс, рус, озарбойжон, араб тилларини яхши билган, Абдулла Авлоний 1930 йили САГУ педагогика факултетининг тил билими кафедраси профессори этиб тасдиқланган. Шу вақтда Илмий ходимлар бўлимида, Ўздавнашрда, Республика атамалар қўмитасида, Давлат илмий кенгашида масъул вазифаларда ишлаган. 1933 йили 7-синф учун ўқиши хрестоматиясини тузиб нашр эттирган. Абдулла Авлоний 1927 йили “Меҳнат қаҳрамони” унвони, 1930 йили “Ўзбекистон халқ маорифи зарбдори” фахрий унвони билан тақдирланган.

1919 йили Маҳмудхўжа Беҳбудий, 1931 йили Мунавварқори Абдурашидхоновни ваҳшийларча ўлдирган босқинчи ҳукумат 1934 йили Абдулла Авлонийни жисмонан йўқ қилишга қарор қилган. 1934 йил 24 августда тиш оғриғи билан шифохонага борган Абдулла Авлонийга оғриқ қолдирувчи укол ўрнига заҳарли модда юборилиши оқибатида 25 август куни вафот этган. Унинг жасадидан ҳам қўрқан совет амалдорлари Боткина қабристонида икки хавфсизлик ходими қабри ўртасида дағн қилдиргандар.

Фақатгина 2023 йили қариндошларининг илтимосига биноан Абдулла Авлонийнинг тупроғи Чигатой қабристонига кўчирилган[4].

2020 йил 30 сентябр куни Абдулла Авлоний, истиқлол, озодлик, эркинлик учун қилган фидокорлиги, “миллий таълим ва тарбия тизими”ни яратишдаги ҳиссаси учун “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган.

Ўзбекистон Республикаси президентининг 2024 йил 21 июндаги “Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти қарорига биноан Абдулла Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти негизида Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда педагогик маҳорат марказлари ташкил этилди.

**Хуноса.** Абдулла Авлоний умрининг охиригача ўз халқига, Ватанига содик қолди. Совет идораларида фаолият юритган бўлса, халқи учун хизмат қилди. Абдулла Авлоний Ватан истиқболи учун қайғурди, унга озодлик ва баҳт қидирди, халқни муқаддас ғоялар учун курашга даъват қилди. Мактаблар очиб, кенг халқни маърифатли қилишга, ёшларни даврнинг илгор руҳида тарбиялашга уринди. Миллий матбуот ва театр орқали жадидларнинг мақсадини Туркистон халқига етказища етакчилик қилди.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДБИЁТЛАР:

1. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат ва фидойилик. Тошкент. 2002. 402 бет.
2. Тарихнинг номаълум саҳифалари. Ҳужжатлар ва материаллар. Биринчи китоб. Тошкент. 2009. 222 б.
3. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент. 2009. 272 б.
4. Абдулла Авлонийнинг чевараси Гавҳар Зокировадан ёзиб олинган. 2024 йил 7 май. Гавҳар Зокирова Абдулла Авлонийнинг Сора исмли қизларининг набираси бўлиб, 1949 йили Тошкент шаҳрида туғилган.
5. Авлоний А. Тошкент тонги. Тошкент. 1979. 373 б.
6. Юсуф Тоҳирий. Доно мураббий // “Тошкент оқшоми” газетаси. 1966 йил 10 ноябр.
7. А. Бобохонов, М. Махсумов. Абдулла Авлоний. Педагогик фаолияти. Тошкент. 1966. 43 б.
8. “Туркистон вилоятининг газети”. 1910 йил 14 май.
9. Абдулла Авлоний. Адабиёт ёхуд миллий шеърлар, ифодай махсуса. Бир-икки сўз. 4-жуз, 1-табъ. Тошкент. 1916, 20 б.
10. Д. Рахмонова Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асаридаги тарбиявий ва ахлоқий мавзуларнинг ифодаланиши // "World of Philology" Scientific Journal. 2023. Volume 2 Issue 2. P. 5 - 10.
11. Abdulla Avloniy. Turkiy guliston yoxud axloq. Toshkent. 2004. 96 b.
12. Бойбўта Дўстқораев. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Тошкент. 2009. 380 б.
13. Ўзбекистон Миллий архиви. 461-жамғарма, 1-рўйхат, 57-ийғмажилд.
14. “Турон” газетаси. 1917 йил 22 апрел.
15. Мирмуҳсин. Икки тарихий воқеа // “Турон” газетаси. 1917 йил 25 апрел.

16. Абдулла Авлоний. Бугунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи // “Туркистон” газетаси. 1924 йил 24 июн.
17. Мунавварқори Абдурашидхонов. Тошкентда жамияти хайрия // “Хуршид” газетаси. 1906 йил 21 сентябр.
18. Мунавварқори Абдурашидхонов. Тошкентда мусулмон жамияти // “Самарқанд” газетаси. 1913 йил 20 август.
19. Мўминжон Муҳаммаджон ўғли. Турмуш уринишлари. Тошкент, 2015. 211-бет.
20. Черезвычайное собрание мусульманского общества «Помощь» // “Туркистон вилоятининг газети”. 1909 йил 19 ноябр.
21. Ўзбекистон Миллий архиви. И-461-жамғарма, 1-рўйхат, 942-йигмажилд.
22. Мактабларга иона // “Садойи Туркистон” газетаси. 1914 йил 4 апрел.
23. Ўзбекистон Миллий архиви. И-461-жамғарма, 1-рўйхат, 942-йигмажилд.
24. Ташаккур // “Садойи Туркистон” газетаси. 1914 йил 22 апрел.
25. Турсунов Т. XX аср ўзбек театр тарихи. Тошкент. 2010. 536 б.
26. М. Раҳмонов. Ўзбек театри тарихи. Тошкент. 1968. 334 б.
27. Мунавварқори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. Тошкент. 2003. 304 б.
28. Мардикор. Мактуб // “Ени иқбол” газетаси. 1916 йил 10 май.
29. Ш. Ризаев. Жадид драмаси. Тошкент. 1997. 320 б.
30. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. Икки жилдлик. 1-жилд. Тошкент. 1998. 270 б.
31. Таржимаи ҳолим // Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. 278-бет.
32. Қизил байроқ // “Иштирокиён” газетаси. 1918 йил, 64-сон; Очлар ҳолиндан // “Иштирокиён” газетаси. 1919 йил, 91-сон; Фирқамиз олийларина //

“Иштирокион” газетаси. 1918 йил, 81-сон; Гўзал баҳор // “Иштирокион” газетаси. 1919 йил, 32-сон; Изчиларга тортиқ // “Иштирокион” газетаси. 1919 йил, 100-сон; Жамиятларга аралашмаган дангаса тилидан // “Иштирокион” газетаси. 1919 йил, 70-сон; Фамлик соатида // “Иштирокион” газетаси. 1919 йил, 69-сон; Сўз замони дейил иш замони // “Иштирокион” газетаси. 1919 йил, 104-сон; Ҳуррият марши // “Иштирокион” газетаси. 1919 йил, 110-сон; Кизил матбуот // “Туркистан” газетаси. 1924 йил, 294-сон; Кўклам келди // “Касабачилик ҳаракати” журнали. 1921 йил 5-сони. 15 – 16-бетлар.

## АБДУЛЛА АВЛОНИЙ И ТУРКЕСТАНСКИЙ ДЖАДИД

**Аннотация.** Данная статья посвящена изучению основных этапов жизни одного из видных представителей тюркестанского джадидизма — Абдуллы Авлони. В ней подробно рассматривается его деятельность в сфере образования, работа в печати, участие в создании благотворительных обществ, а также театральная и политическая активность. Особое внимание уделено его инициативам по созданию учебников, публицистической деятельности, участию в организации библиотеки «Турон» и театральной труппы «Турон». Статья основана на архивных документах, материалах национальной прессы, воспоминаниях родственников Абдуллы Авлони и исторических источниках, что позволяет получить всестороннюю информацию о просветителе и общественном деятеле.

*Ключевые слова:* образование, джадидская школа, учебник, национальная пресса, театр, благотворительные общества, советские учреждения, дипломатия.

## ABDULLA AVLONIY AND TURKESTANIAN JADID

**Abstract.** This article is dedicated to studying the main stages of the life of Abdullah Avloni, one of the prominent figures of the Turkestan Jadidism movement. It provides detailed information about his contributions to education, journalism, the

establishment of charitable organizations, theater, and political activities. Special attention is given to his initiatives in textbook creation, his publicist work, and his involvement in founding the "Turon" library and the "Turon" theater group. The article is based on archival documents, articles from the national press, memoirs of Avloni's relatives, and historical literature, offering a comprehensive insight into the life and legacy of this progressive thinker and public figure.

*Keywords:* education, Jadid school, textbook, national press, theater, charitable organizations, Soviet institutions, diplomacy.